

2022 йил “2” дикорь

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Ш.Сатимбоев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Лойиҳачи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “EKSPRESS ELEKTRON SERVIS” МЧЖ ва унинг директори Н.А.Халилов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Лойиҳачи”: Шахрихон тумани Қашқар МФЙ “Қашқар Сой бўйи” ва “Қашқар Йўл бўйи” кўчасидаги 91 та хонадонда яшовчи 546 дан ортиқ аҳоли учун тоза ичимлик суви тортиш учун лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ЛОТ № 22110012193310 обьекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва обьект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойиҳачи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойиҳалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «10 кун» мобайнида ШНК1.02.09-15 коида ва кўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга иммий, техник, иктисадий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Лойиҳачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси биланбелгиланган

1.5 “Лойиҳачи” “Буюртмачи” нингрухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишига ҳаклиdir. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойиҳачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи хисобидан амалга оширилади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1 “Лойиҳачи” нинг мажбуриятлари:

- “Лойиҳачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топширик ва бошқа бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариш;
- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари)нинг натижаларини келишиш;
- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Лойиҳачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

#### 2.3 “Буюртмачи” нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;
- “Лойиҳачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат килиш;
- “Лойиҳачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар)нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

### 3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати (15% ҚҚС- 1 732 173,91 билан) **13 280 000 (Ўн уч миллион икки юз саксон минг)** сўм бўлиб,

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Лойиҳачи”га 2022 йилда ЛСХ ҳаражати қийматининг 30 фоизлик миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **3 984 000 (Уч миллион тўққиз юз саксон тўрт минг)** сўмни ташкил киласди.

3.2 Қолган **9 296 000 (Тўққиз миллион икки юз тўқсон олти минг)** сўм тўлов 2022 йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” “Лойиҳачи”дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Лойиҳачи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аникланади.

4.3 “Лойиҳачи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисбот хужжатларини 27 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланганди, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолат-номасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнida бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнida ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланганди мажбуриятлар юкланди.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма ҳабарнома берган санадан хисобланади.

#### **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек хисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пеня тулади.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда“Лойиҳачи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлади. Аммо бунда пенянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Лойиҳачи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлади. Аммо бунда пенянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуксонлар пайдо бўлганда “Лойиҳачи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойиҳачи” ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз харакатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мөъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топшириқ) ларга мос келмаса ва иш хажмлари тўлиқ лойиҳа-смета хужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойиҳачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўгрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, “Лойиҳачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб кўйилган бўлса, белгиланганди тартибда тўланган суммани қайташини талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вактдан бошлаб бир ой мобайнida тақдим килиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланганди тақдим келишига жавоб беради.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа-смета хужжатларини белгиланганди талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета хужжатлариди камчилик ва нуксонлар аникланади тақдирда “Лойиҳачи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулади. “Лойиҳачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишили моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

#### 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар маъжбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай колиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартном бўйича маъжбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай колгани учун жавобгарлиқдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича маъжбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вактга мос равища оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вактга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиласидар.

Агар томонлар 1 ой мобайнода бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайси шартномани бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вактида бажармаслиги “Лойиҳачи” учун «форс-мажор» холатига тенг ҳисобланади.

#### 7. Қўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Лойиҳачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳакли эмас, “Лойиҳачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичida хабардор килишлари шарт.

#### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарип бўлгунча ҳакиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пурратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022йил 31 декабрга кадар ўз кучида бўлади.

#### 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгаришириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибида Андикон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

#### 10. Томонларнинг реквизитлари

##### БУЮРТМАЧИ

“Узсувтаъминот” АЖ «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниеринг компанияси»  
УК Андикон вилоят ҳудудий  
Андикон шаҳри, Чинабод ко’часи 59-үй.  
ИНН: 305980724. ОКОНХУ-90213  
ШХР: 301821160034017063201110061  
Андикон вилояти газначилик бошқармаси.  
Каз. счет: 23402000300100001010  
МБББ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014  
СТИР Каз. под: 201122919

Бошқарма  
бошлиғи:



Хукукшунес:

Б.Ш. Сатимбоев

##### ЛОЙИҲАЧИ

«EKSPRESS ELEKTRON SERVIS» МЧЖ

Андижон ш. А.Фиграт 214-үй  
х/р: 20208000804928553001  
МФО: 00068 СТИР: 302070925  
ОКОНХ: 61124 Тел.: 979925353  
АИТБ Ипотека-банк “Истиқлол” филиали

Эл.манзил: [ekspress\\_elektron@mail.ru](mailto:ekspress_elektron@mail.ru)



Н.А.Халилов